

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«II » июнь 2019 у.

№ 484

Toshkent sh.

**2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида
биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини
тасдиқлаш түғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва нжитмоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining “1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида” 1995 йил 6 майдаги 82-1-сон карорини ижро этиш юзасидан, шунингдек, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан баркарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий худудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини кайта тиклаш, биохилма-хилликни сақлаб колиш соҳасидаги ҳалқаро муносабатларни ривожлантиришга каратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

а) 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб аталади) 1-иловага мувофик тасдиқланисин. Стратегия куйидаги устувор вазифалар амалга оширилишини назарда тутади:

муҳофаза қилинадиган табиий худудлар майдонларини мамлакат худудининг 12 фоизига етказиш;

Орол денгизининг куриган тубида ўрмонзорлаштириш ишларини олиб бориш ва унинг майдонини 1,2 миллион гектарга етказини;

Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигида жайронлар бош сонини 1000 га етказиш;

давлат қўриқхоналаридаги этажон экотизимларда биохилма-хиллик компонентлари учун мониторинг олиб боришининг марказий бўгинли ягона тизимини яратиш;

замонавий геоахборот технологиялари (ГИС-технологиялар) асосида биохилма-хилликнинг давлат мониторинги ва давлат кадастри ягона ахборот маълумотлар базасини яратиш;

ҳар йили 2 млн гектар майдонда табиий яйловлар ва пичанзорлардаги ўсимликларни геоботаник текширувдан ўтказиш;

биохилма-хилликни саклаб қолиш масалаларини иқтисодиётнинг барча тармоқларига интеграциялаш;

б) 2019-2028 йиллар даврида биологик хилма-хилликни саклаш стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар режаси деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тасдиқланган Стратегия ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси ҳаётга жорий этилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юклансин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги билан биргаликда тармоқларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишида ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг кейинчалик тегишли йилга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритиш таклиф килинаётган лойиҳалар билан ўзаро боғликлигини таъминласинлар;

ҳар йили йил якуни бўйича Ҳаракатлар режасида назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ахборот киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Кўчкоров зинмасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 июнданги
484-сон қарорига
1-илова

**2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида
биологик хилма-хилликни саклаш
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни тиклаш ва саклаш – экологик хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши, шунингдек, иқлим ўзгаришининг юз берадиган жараёнларига мослашишнинг ишончли йўли.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда БМТ деб аталади) Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенциясининг Томони хисобланади ва ўзига куйидаги мажбуриятларни олган:

биологик хилма-хилликни саклаш ва ундан барқарор фойдаланишининг ёки мавжуд режалар ва дастурларга мослаштиришнинг миллий стратегиялари, режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

биологик хилма-хилликни саклаш ва ундан барқарор фойдаланиш учун унинг муҳим аҳамиятга эга бўлган қисмларини белгилаш;

биологик хилма-хиллик ишончли сакланишини таъминлаш максадида мавжуд муҳофаза килинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш;

таизазулга учраган экотизимларни тиклаш ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш.

Биологик хилма-хилликни саклаш бўйича Биринчи миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сон қарори билан маъқулланган эди.

Мана шу туфайли биологик хилма-хилликни саклаш соҳасидаги кўплаб лойиҳалар Глобал экологик жамғарма (кейинги ўринларда ГЭЖ деб аталади), Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таракқиёт дастури (кейинги ўринларда БМТД деб аталади), Ёввойи табиатни кўриклаш жаҳон жамғармаси ва бошка ҳалқаро ташкилотлар томонидан ҳалқаро кўллаб-куvvатланди.

Ушбу Стратегия доирасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор миллий ва маҳаллий дастурлар ва режаларга биологик хилма-хилликни саклаш масалалари киритилди ва биологик хилма-хилликни

сақлаш соҳасида қирқка яқин халқаро лойиҳалар амалга оширилди. Натижада ерларнинг таназзулга учрашини секинлаштиришга, чўлланиш жараёнларини қисқартиришга, табиий ресурслардан нобаркарор фойдаланишнинг бошқа салбий оқибатларини сусайтиришга эришилди.

Эришилган натижаларга қарамай, табиий экотизимларга ва ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар кўпайишига салбий омилларнинг таъсири давом этмоқда. Биологик хилма-хиллик компонентлари самарали муҳофаза қилинишини давом эттириш учун тизимли ёндашувни қўллаш талаб қилинади, ҳам ҳайвонларнинг ўзини, ҳам улар яшаш жойини муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чикиш зарур.

2. Ушбу 2019-2028 йиллар даврида биологик хилма-хилликни саклаш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб аталади) устувор йўналишларни, мақсадлар ва вазифаларни, режалаштиришни, уларга самарали эришиш усулларини, шунингдек, узоқ муддатли истиқболга биологик хилма-хилликни саклаш ва ундан фойдаланиш соҳасида баркарор тизимни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши босқичларини белгилашга қаратилган.

3. Стратегия Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ва “Ўрмон тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосланади.

2-боб. Жорий вазиятнинг тавсифи

1-§. Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликнинг жорий ҳолати

4. Ўзбекистон ҳудуди табиий экотизимларнинг ниҳоятда хилма-хиллиги билан тавсифланади. Текис минтақаларда чўл экотизимлари, тоғ экотизимларида эса баландлик зоналари мавжуд, тоғ экотизимларининг асосий типларига мувофиқ бўлган бир қанча зонал-иклим пояслари аниқ намоён бўлади.

Дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари ҳам текисликда, ҳам тоғли минтақаларда жойлашган, уларнинг ҳар бирида ўзига хос яшаш жойи мавжуд. Сув-ботқоқлик экотизимлари асосан мамлакатнинг текислик ҳудудларида жойлашган.

5. Ўзбекистон ҳудуди учун табиий экотизимларнинг бешта асосий типи ажратилган. Булар:

чўл ва яримчўл;

тоғолди ва насткам тоғли жойлар;
тоғ экотизимлари;
дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари;
сувли-боткоқ жойлар экотизимлари.

6. Ҳар бир экотизимда комплекс табиий компонентлар мавжуд. Улар муайян ўсимликлар дунёси ва ҳайвонларнинг ривожланиши, яшаш ва ўсишини белгилайди. Экотизимларнинг ҳар бир тини бошка экотизимлар билан ўзаро ҳамкорликда мамлакатнинг умумий экологик яхлитлигини саклаш ва муайян экотизим хизматлари кўрсатишда ноёб ўрин тутади.

7. Ўзбекистоннинг биохилма-хиллиги ҳозирги пайтда маълум бўлган 27 мингтага яқин турни ўз ичига олади. Улар орасида юксак ўсимликлар, пўнанаклар, лишайниклар (сув ўтлари билан копланган замбуруғлар), кўзиқоринлар ва сув ўтлари) умуман олгаида 11 мингтага яқин турни ташкил этади, фауна турлари – 15,6 мингта турдан ортиқ. Ўзбекистон олий томирли ўсимликлари эндемизми қарийб 8%. Қадимдан сакланиб колган эндемиклар эндемик турлар умумий сонининг 10-12 фоизини ташкил этади.

8. Ҳозирги вактда зоологик тадқиқотларнинг бутун даврида мамлакат худудида рўйхатдан ўтказилган турларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон умурткали ҳайвонлар фаунаси бешта синфи ифодалайди ва 715 та турни ўз ичига олади, улардан 77 таси балиқ турлари, 3 таси амфибиялар турлари, 61 таси судралиб юрувчилар турлари, 467 таси қушлар турлари ва 107 таси сут эмизувчилар турларидир.

9. Ўзбекистон ва Марказий Осиёning эндемикаси умурткали ҳайвонларнинг 53 та тури ва кенжа турини ифодалайди. Судралиб юрувчиларда эндемизм кўрсаткичи 50 фоизга тенг, сут эмизувчилар синфи эндемизми даражаси пастрок – 14% ва қушлар синфи учун эндемиклар сони кўп эмас – 1,7%. Балиқлар орасида эндемизм даражаси 50 фоиздан ортиқка этади.

2-§. Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турлари

10. Антропоген таъсир остида кучаяётган табиий экотизимларнинг умумий таназзули ва фрагментацияси ареалларнинг ва ҳам камёб, ҳам ресурс (овланадиган) турларнинг сони қисқаришига олиб келди. Бундай турлар ёввойи табиатда йўқолиб кетиш хавфига эга ва Қизил китобга киритиш учун тавсия қилинган.

11. Ҳайвонларнинг 207 та тури ва кенжа турлари камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турли тоифаларга киритилган, улардан 184 таси Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган (2009 й.), улардан сут эмизувчиларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, рептилийларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури, бўғимли чувалчангларнинг 3 та тури, молюскларнинг 14 та тури, бўғимоёклиларнинг 60 тури мавжуд.

12. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифокининг Қизил китобига ҳайвонларнинг 73 та тури ва кенжা турлари киритилган. Уларнинг келажаги глобал қўламда ташвиш ўйғотади.

13. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенцияга Иловага ҳайвонларнинг 88 та тури ва кенжা турлари киритилган.

14. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг охирги нашри (2009 й.) юқсак ўсимликларнинг 321 турини ва замбуруғларнинг уч турини ўз ичига олади. Олдинги нашрлар билан таққослаганда 23 тур чикариб ташланган, бошқа томондан эса камёб деб эътироф этилган ўсимликларнинг 11 янги тури киритилган, 7 тури улар табиатда кўнайганлиги муносабати билан “камёб” мақомидан “қисқариб бораётган” мақомига киритилган. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида “Йўқолиб кетган” мақоми билан 18 тур мавжудлигини алоҳида таъкидланған зарур.

3-§. Ҳайвонларнинг яшаш жойлари ва уларни қўриқлаш

15. Ҳайвонлар турларининг табиий яшаш жойлари кисқариши ва сезиларли даражада трансформацияси биологик хилма-хиллик учун асосий хавф ҳисобланади. Бунда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турғуи, автохтон турлар, эндемиклар кўпроқ энг заиф ҳолатдадир.

16. Farbий Тёншон ва Помир-Олойнинг тўқайзорлари, кадимдан сақланиб қолган ёнғоқзорлари ва бошқа мевали ўрмонлари, сувли-боткок жойлар ва шу кабилар йўқолиб кетиш хавфи остидаги ва муҳим жаҳон аҳамиятига эга бўлган ҳайвонлар турларининг яшаш жойлари ҳисобланади.

17. Кейинги ўн йилликда табиатдан жадал фойдаланиш натижасида Ўзбекистон ҳайвонларининг айрим турлари антропоген таъсирга учради, шу муносабат билан уларнинг ареали ва сони камайди, ҳайвонларнинг айрим турлари йўқолиб кетиш хавфи остида ёки батамом йўқолди. Кўшлаб ҳайвонларнинг сони ҳали таҳликали даражага стмади, бирор изчил қисқариб бормокда. Яшаш жойларининг таназзулга учраши ва тўғридан-тўғри қириш энг аввало йирик йирткич ҳайвонлар ва туёқли сут эмизувчилар хиссасига тўғри келди.

18. Табиатга доимий равишда кучайиб бораётган антропоген таъсир республиканинг барча минтақаларида илдизли ўсимликлар сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. Ўсимлик қопламасининг ҳозирги ҳолати биомассанинг сийраклиги, маҳсулдорлигининг цастлиги, ўрмонлар майдонининг қисқариши, иккиламчи ўсимликлар дунёси ва ҳайвонлар тўдалари ва ўсимликларнинг муқобил (инсон томонидан табиий ареалдан йироқдаги ҳудудга касдан келтирilmagan ўсимликлар), бегона турлари кенинг тарқалиши билан тавсифланади.

19. Ҳайвонларнинг айрим турлари Ўзбекистон ҳудудида мавсумий, яъни миграция даврида яшайди. Ҳайвонларнинг миграция турларига сут эмизувчиларни (оккуйруклар, Бухоро бугуси, кулон, иявирс (тоғ коплони), кушларни (туриалар, сувли-ботқоқ жойлар ўсимликлари ва бошқалар), балиқларни киритиш мумкин.

20. Ҳайвонлар миграцияси, асосан – куз-бахор даврида амалга оширилади. Миграция билан боғлик ҳайвонларнинг катта кисми Ўзбекистонда қишлиб қолади. Бундай ҳолатда ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш, уларни кўриқлаш ва яшаш жойларини химоя килиш чораларини кўриш зарур.

4-§. Ўрмон ва ўрмондан фойдаланиш

21. Ўзбекистон ўрмонлар кам бўлган мамлакат ҳисобланади, бироқ ўрмон экотизимлари ҳам хўжалик муносабатларида, ҳам табиатни муҳофаза қилиш муносабатларида муҳим роль ўйнайди.

Давлат ўрмон фонди ерлари 11,2 млн гектарни эгаллайди, бу республика умумий майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади, улардан 3,26 млн гектарга яқини ўрмонлар билан қопланган.

22. Ўзбекистон ўрмонлари ўзининг табиий таркиби, маҳсулдорлиги ва бажариладиган функцияларига кўра жиддий равишда фарқланади. Ўрмонлар асосан қумли чўлларда – 9,53 млн га, тоғларда – 1,12 млн га, қайирларда – 0,11 млн га, шунингдек, воҳаларда – 0,26 млн га жойлашиган.

23. 30 минг гектарга яқинни эгаллаган тўқайзорлар участкалари Коракалпогистон Республикасида жойлашган ва Амударё дельтасида тўқайзорлар дастлабки ҳудудининг 10 фоизига яқинни ташкил этади. Ушбу участкалар Ўзбекистондаги қолган барча тўқайзорларнинг 75 фоизини ва Марказий Осиё тўқайзорларининг 20 фоизини ташкил ўтади.

24. Тўқайзорлар майдонининг камайиши камёб ва йўқолиб бораётган турларнинг кисқариши сабаби ҳисобланади. Тўқайзорлар массивлари унча катта бўлмаган тор полосалар ва дарё уваларидағи алоҳида участкаларда сақланиб қолган ва ёввойи табиат учун муҳим экологик йўлаклар ҳисобланади.

5-§. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар

25. Мавжуд биохилма-хилликни сақлаб колиш учун бой табиий мерос асосида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг тўлақонли тармоғини ташкил этиш Ўзбекистонни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

26. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, жумладан:

Кўйи Амударё давлат биосфера резервати;

“Дўрмон” миллий боти;

“Сайгоқли” комплекс ланфдашт буюртмахонаси;

“Угом-Чотқол” давлат биосфера резервати ташкил этилиши республиканинг катта муваффакияти бўлди.

Шунингдек, Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигини ривожлантириш, Рамсар Конвенцияси доирасида сувли-ботқоқ жойлар халқаро рўйхатига янги табиий ҳудудларни киритиш, мамлакатнинг 51 та муҳим арнетологик ҳудудини хатловдан ўтказиш ва уларни тавсифлаш катта ютуқ бўлди.

27. Бугунги кунда республикада 7 та қўриқхона (188,3 минг га), 1 та комплекс ландшафт-буюртмахона (628,3 минг га), 2 та биосфера резервати (111,7 минг га), 3 та миллий табиий боф (558,2 минг га), 1 та “Дўрмон” миллий бори (32,4 га), 10 та табиат ёдгорлиги (3,8 минг га), 12 та буюртмахона (572,4 минг га) ва Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги (165, минг га), шунингдек, ўрмон ва ўрмон овчилик хўжаликлари (11,121 млн га) мавжуд.

28. Биохилма-хиллик барқарор сақланишини таъминлайдиган муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг (муҳофаза қилинадиган ландшафтлар – курорт табиий ҳудудлар, рекреацион зоналар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқбўйи полосалари, сув объектларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналари, юза ва еости сувлар ҳосил бўлиши зоналарисиз) умумий майдони 13,2 млн гектарга яқинни ташкил этади. Айни вақтда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони ўрмон хўжаликлари ва ўрмон-овчилик хўжаликлари хисобга олинмаганда 2079,2 минг гектарни ёки мамлакат ҳудудининг 4,64 фоизини ташкил этади.

6-§. Экотуризм

29. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун ноёб табиат, ҳар хил ландшафтлар (чўллар, тоғлар, плато, дарёлар, кўллар, шаршаралар), ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камёб ва йўқолиб бораётган турлари, археологик топилмалар, полеонтологик қолдиқлар, петроглифлар, нодир геологик объектлар мавжуд. Шунга қарамай, республикада туристларни табиий объектларга жалб қилиш учун инфратузилма етарли даражада ривожланмаган.

30. Республикастонг айrim муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари туристларни қабул қилиш учун энг уюштирилган ва муносиб жойлар ҳисобланади, чунки ушбу ҳудудларда белгиланган майдон ва чегаралар, туристлар ташриф буюриши учун ажратилган участкалар, келувчилар билан ишлаш тажрибаси мавжуд, айримларида эса – белгиланган йўналишлар ҳамда ушбу ҳудуд ва унинг хусусиятлари бўйича муайян билимларга эга бўлган ходимлар бор.

31. Бирок қонун ҳужжатларига мувофиқ экотуризмни, шу жумладан, рекреацион фаолиятни амалга ошириш учун давлат кўриқхоналарига, табиий боғларнинг кўриқхона зоналарига ва биосфера резерватларига кириши тақиқланган.

3-боб. Мавжуд хавф-хатарлар ва муаммолар

32. Охириги ўн йилдаги вазиятни таҳлил қилиш биохилма-хиллик йўқолиши ва унинг маҳсулдорлиги пасайиши ва экотизим хизматлари функциялари камайишининг асосий сабаблари жиҳдий равишда ўзгармаганингини кўрсатади.

33. Биологик хилма-хилликнинг мавжуд хавф-хатарлари асосан иқтисодиётнинг биологик ресурслардан баркарор фойдаланишни хисобга олмасдан ривожланиши билан боғлиқdir.

34. Чорвачилик табиий экотизимларга салмоқли таъсир кўрсатади. Чўл, тоғолди ва тоғ ҳудудларида, айниқса қишлоқ манзилгоҳлари яқинида жойлашган зоналарда яловларнинг таназулли тезлашади.

35. Куйидагилар:

кишлоқ хўжалиги сугориши инфратузилмасининг тор йўналтирилган ривожланиши ва бошқарилиши;

балиқчилик хўжалиги соҳасида табиий ресурсларни бошқариш ва фойдаланишнинг баркарор бўлмаган шакллари;

сугориладиган дехкончилик ҳосилдорлигининг пастлиги ва баркарор бўлмайдиган сугорилмайдиган дехкончилик ўсиб бораётган хавф-хатарларга тегишилдири.

Ушбу омиллар мамлакат аҳолиси сони тез ўсиб бориши билан қўшилиб барча ресурслардан жадал фойдаланишга олиб келади.

36. Аҳоли сони ўсиши натижасида аҳоли пунктлари ҳудуди кенгайди, бу экотизимлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга нисбатан табний экотизимларга юкламани оширди.

37. Иқлим ўзгариши ерларнинг таназзулга учраши ва чўлланиш жараёнларини келтириб чиқаради ва бу билан биологик хилма-хилликнинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнлар айниқса Оролбўйида, Устюрт платосида, Қизилқум саҳросида, тоғлардаги ўрмон массивларида ва тоғолди туманларида жадаллик билан юз бермоқда.

38. Мавжуд тенденциялар сақланиб қолса якин ўн йил мобайнида асосий экотизим хизматларининг қўлдан бой берилиши хавфи ўсади. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши таъсирнинг бошқариб бўлмайдиган омили хисобланади, у таназзулга учраши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолипи борасида қўшимча муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

39. Куйидагилар биологик хилма-хиллик сақланиб колишига түсқинлик килаёттган асосий муаммолар хисобланади:

норматив-хуқуқий хужжатларнинг биологик ресурслардан фойдаланишини тартибга солувчи халқаро стандартларга номувофиюлиги;

биохилма-хиллик ва экотизим хизматлари кийматини иқтисодий баҳолаш механизмларининг мавжуд эмаслиги;

мухофаза килинадиган табиий ҳудудлар тизимини ва уларнинг репрезентатив тизимини мукобил бошқаришнинг мавжуд эмаслиги;

атроф табиий мухит, жумладан, биохилма-хиллик давлат қадастри ва мониторинги етарлича амалга оширилмаслиги;

биохилма-хилликни саклаш соҳасида молиялаштириш етарли эмаслиги;

давлат экологик экспертизаси тартиботига хўжалик фаолияти ва бошка фаолиятнинг биохилма-хилликка таъсирини баҳолаш механизmlари етарлича жорий этилмаганлиги;

жамоатчиликнинг биохилма-хилликни сақлаб колишдан хабардорлини ва иштироки даражасининг настлиги;

аҳоли экологик маданиятининг етарлича ривожланмаганилиги.

4-боб. Биохилма-хиллик соҳасида халқаро алоқалар

40. Ўзбекистон табиатни мухофаза қилиш минтақавий ва халқаро жараёнларининг фаол иштирокчиси хисобланади. Ҳамкорлик кўп томонлама табиатни мухофаза қилиш шартномаларини – глобал экологик Конвенцияларни, икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ва меморандумларни амалга ошириш йўли билан амалга оширилади. Булар:

Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция;

Йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция;

Халқаро аҳамиятга эга, айникса сувда сузуви қушларнинг яшаш жойлари бўлган сувли-ботқоқ жойлар тўғрисидаги конвенция (Рамсар конвенцияси);

ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий ва табиий меросни мухофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияси;

Ёввойи ҳайвонларнинг миграцион турларини сақлаш бўйича конвенция;

Жиддий қурғокчилик ва/ёки чўлланишга дучор бўлган мамлакатларда, айниқса, Африкада чўлланишга карши курашиш бўйича конвенция;

Афро-Евроосиё миграцияланадиган сувли-ботқоқ жойлардаги қушларни мухофаза қилиш бўйича битим;

Оқ қүйрук, Бухоро буғуси, Сибирь оқ турнаси сингари ҳайвонларнинг камёб миграцияланадиган турларини саклаш бўйича ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандумлар;

Сут эмизувчилар бўйича Марказий Осиё ташаббуси;

Оролни куткариш Халқаро жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги битим.

41. Биологик хилма-хилликни саклаш ва тегишли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш доирасида Глобал экологик жамғарма, Халқаро табиатни муҳофаза килиш иттифоки, БМТ ТД, БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури, ЮНЕСКО, Бутунжоҳи ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси, Табиатни муҳофаза килиш бўйича Михаэл Зукков жамғармаси сингари халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

42. Ўзбекистонда кейинги ўн беен йилда халқаро грантлар жалб этилган ҳолда бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Улар доирасида муҳофаза қилинадиган табиий муҳитларда ва улар атрофида биохилма-хиллик ва табиий ресурсларни саклаш ва бошқариш, муҳофаза қилинадиган табиий муҳитлар тизимиши кенгайтириш бўйича янги ёндашувлар намойиш қилинди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш туфайли муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг янги тоифалари ташкил этилди, уларнинг моддий-техника базаси яхшиланди, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизими мутахассислари ва ходимларини, шунингдек, республика компаниялари ва корхоналари экологларини биохилма-хилликни саклаб қолиш бўйича янги илгор ёндашувларга ўқитиш яхшиланди.

5-боб. Стратегиянинг мақсадлари ва вазифалари

43. Ушбу Биохилма-хилликни саклаш стратегиясининг концепцияси Ўзбекистон ривожланишининг мувозанатли ва барқарор шаклига эришишидан, уузок муддатли истиқболда миллатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжлари боғлиқ бўлган экотизимларнинг асосий хизматларини таъминлайдиган биохилма-хилликни зътироф этиши, баҳолаши ва саклаб қолишидан иборатdir.

44. Стратегиянинг мақсади 2029 йилга келиб биохилма-хилликни саклаш ва ундан барқарор фойдаланишини, экотизимлар фаолият кўрсатиши ва улар томонидан асосий хизматлар кўрсатилишини таъминлаш учун самарали ва шошилинч чора-тадбирлар ишлаб чиқилишидан иборат.

45. Биохилма-хилликни саклаш ва ундан барқарор фойдаланишини, озиқ-овқат хавфсизлигини, аҳоли яшаши учун қулай муҳитни ҳамда мамлакатни барқарор ривожлантиришини таъминлаш учун 2029 йилгача қўйидаги стратегик мақсадлар белгиланди:

биохилма-хиллик масалаларини давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ва бутун жамиятнинг фаолиятига киритиш;

биохилма-хилликка тўғридан-тўғри юкламаларни қисқартириш, унинг компонентларидан озиқ-овқат ландшафтларида баркарор фойдаланиши;

муҳофаза қилинадиган табиий мухитлар худуди тизимини ривожлантириш, экотизим хизматлари томонидан таъминланадиган афзалликлар ҳажмини кўпайтириш;

салоҳиятни режалаштириш, яратиш ва молиялаштириши механизмларини ривожлантириш йўли билан биологик хилма-хиллик сақлаш ва ундан баркарор фойдаланиши самарадорлигини ошириш.

46. Стратегия турли даражалардаги давлат ва нодавлат тузилмалари, аҳолининг келишилган саъй-харакатларини сафарбар килишга, шунингдек, биохилма-хилликни саклаб қолиш ва ундан баркарор фойдаланиши билан боғлик бўлган муайян йўналишларни кўллаб-кувватлаш ва амалга оширишдан манфаатдор бўлган донорларни жалб этишига йўналтирилган.

47. Биологик хилма-хиллик мавзуларини давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ва бутун жамиятнинг фаолиятига киритиш учун:

атроф табиий мухит давлат мониториши тизимини такомиллаштириш, биологик хилма-хиллик компонентлари мониторинги билан кенг қамраб олиш ҳисобига унинг мазмун-моҳиятини кенгайтириш;

биологик хилма-хиллик қадриятлари ва экотизим хизматлари тўғрисида давлат ҳокимияти бошқаруви органлари, шунингдек, жамиятнинг барча қатламларининг хабардорлиги ва билимини ошириш;

биологик хилма-хилликлар қиймати ва экотизимлар хизмагларини иқтисодий баҳолашни ишлаб чиқиш ва унинг механизмларини режалаштириш жараёнига киритиш;

ташкилий-техник, технологик ечимларни ўз ичига оладиган давлат экологик экспертизаси доирасида табиатни муҳофаза килиш тадбирлари иерархиясини назарда тутувчи атроф мухитга таъсир тўғрисидаги баёнотлар лойиҳаларига ҳалқаро талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

48. Биологик хилма-хилликка тўғридан-тўғри юкламаларни қисқартириш ва унинг компонентларидан озиқ-овқат ландшафтларида баркарор фойдаланиши учун:

энг заиф табиий экологик тизимлар таназзули ва фрагментацияси суръатларини пасайтириш бўйича комплекс чоралар шилаб чиқилиши ва амалга оширилишини;

такомиллаштирилган ҳуқукий ва методик асосда сув ҳавзалари ва бошка экотизимларнинг биологик ресурсларидан баркарор фойдаланишини таъминлаш зарур.

49. Мухофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, экотизимлар хизматлари билан таъминланадиган афзаликлар ҳажмини кўпайтириш учун:

мухофаза қилинадиган табиий ҳудуд тизимини мукобил ва самарали бошқаришни ва табиий боғлар, комплекс буюртмахоналар ва буюртмахоналар ҳисобига тизим майдонини кенгайтиришни;

озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган биологик хилма-хиллик компонентларини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланиш давлат дастури ишлаб чиқилишини таъминлаш зарур.

50. Салоҳиятни яратишни режалаштириш йўли билан биологик хилма-хилликни саклаб колиш ва улардан барқарор фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун миллый, ҳудудий ва тармок ривожланиши режаларининг таркибий қисмлари сифатида ушбу Стратегиянинг қоидлари киритилиши ва амалга оширилишини таъминлпаш зарур.

6-боб. Биологик хилма-хилликни саклаб қолиш бўйича харакатларнинг асосий йўналишлари

51. Биологик хилма-хилликни тўғрисидаги конвенциянинг Томонлари конференцияси (КТ-10) карорига мувофиқ 2010 йилда Конвенция томонлари бўлган мамлакатлар янгилашлари ва “биологик хилма-хилликни саклаб қолиш бўйича самарали ва янгиланган миллый стратегиялар ва харакатлар режаларини бошлиши” керак.

52. Стратегия ва Стратегияни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси биологик хилма-хиллик компонентларининг ҳозирги ҳолатини, мамлакатнинг иқтисодий, институционал, ҳуқукий, таълим, илмий, ахборот хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини таҳдил қилишга асосланиши керак.

53. Ўзбекистон томонидан мустақиллик даврида кўрилган биологик хилма-хилликни саклаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланишга доир саъй-харакатлар ернинг таназзулга учраши, чўлланиш, курғокчилик, ареаллар ва турлар сонининг қискариши соҳасида ва табиий ресурслардан нобаркарор фойдаланишнинг бошқа оқибатлари бўйича тенденциялар унча катта бўлмаган секинлашишига олиб келди.

Бироқ биохилма-хиллик масалалари иқтисодиётнинг асосий секторларига зарур даражада интеграциялаштирилмади.

54. Узок мудлатли истиқболда барқарор ривожланишга эришиш учун биологик хилма-хилликни саклаш ва ундан барқарор фойдаланиш масалаларини зарур ташкилий ва молиявий ресурслар яратилган ҳолда иқтисодиётнинг барча секторларини миллый ривожлантириш режаларига киритиш зарур.

55. Мамлакатининг янада иқтисодий ривожланиши, аҳоли сонининг ва табиий ресурсларга бўлган талабининг ўсиши шароитларида факат “яшил иқтисодиёт” принципларига амал қилиш мамлакатнинг экологик хавфсизлигини, ернинг узоқ муддатли маҳсулдорлигини таъминлашга, биологик хилма-хилликни ва экотизимларнинг асосий хизматларини саклаб колишга кодирдир.

56. Биологик хилма-хиллик саклаб қолиниши ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш қўйидаги асосий йўналишларни амалга ошириш билан боғлиқдир:

биологик хилма-хилликни саклаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш соҳасида норматив-хуқукий базани такомиллаштириш;

ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри ва мониторинги юритилишини такомиллаштириш;

ушбу соҳада сиёсатни шакллантириш ва комплекс карорлар қабул қилиш учун зарур бўлган биологик хилма-хилликнинг ҳолати ва аҳамияти тўғрисидаги замонавий илмий ахборотни такомиллаштириш;

муҳофаза қилинадиган табиий худудлар тизимини ривожлантириш;

энг заиф табиий экологик тизимлар таназзули ва фрагментацияси суръатларини насайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини тиклаш тадбирларини амалга ошириш;

ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси объектларидан иконуний фойдаланиш устидан назорат қилишни кучайтириш;

экологик туризмни ривожлантириш;

биологик хилма-хилликка нисбатан аҳолининг хабардорлиги ва экологик маданияти даражасини ошириш.

1-§. Биологик хилма-хиллик соҳасида норматив-хуқукий базани такомиллаштириш

57. Табиатдан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хуқукий ва конунчилик асоси 120 тадан ортик конунлар ва конуности хужжатларини ўз ичига олади, уларнинг кўпчилиги тўғридан-тўғри ёки билвосита биологик хилма-хиллик масалалари билан боғлиқдир.

Бироқ ҳамон нуқсоплар мавжуд, айниқса биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатувчи хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият лойиҳаларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш кўлланилишига нисбатан нуқсонлар мавжуд.

58. Биологик хилма-хилликнинг давлат кадастри ва мониторингини юритишнинг институционал ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш зарур. Табиатдан фойдаланишга ва уни назорат қилишга йўналтирилган

қонуности хужжатлари ҳам такомиллаштиришни талаб қиласи. Шунингдек, ҳам биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича фаолиятни молиялаштиришни излаш, ҳам давлат томонидан ушбу соҳага инвестицияларни баҳолаш учун янги ёндашувларни ишлаб чикиш зарур.

59. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш масалаларини иқтисодиёт секторларига интеграциялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги ва аквамаданиятлар, энергетика, ер усти транспорти, казиб олувчи саноат ва туризмнинг норматив базаларини такомиллаштиришни назарда тутиш зарур.

Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги (йўрикномалар, тартиботлар)ни амалий қўллаш механизmlарини кучайтириш зарур.

2-§. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри юритилишини ва мониторинги олиб борилишини такомиллаштириш

60. Ҳозирги вақтда Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг умумий тузилмасида биологик хилма-хиллик компонентлари етарлича ифодаланмаслиги кузатилмоқда.

Шу билан бирга, биологик хилма-хилликнинг тизимли мониторингини ривожлантириш, шу жумладан, мониторингнинг тегишли тузилмаларини ва уни амалга ошириш учун асосий йўналишларни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида муайян хатти-харакатлар кўрилмоқда. Республиканинг давлат қўриқхоналарида этalon экотизимлар учун биологик хилма-хиллик мониторингининг ягона келишилган тизими ишлаб чиқилмоқда.

61. Асосланган қарорлар қабул қилиш учун биологик хилма-хиллик компонентларининг ҳолати ва ривожланиши динамикаси тўғрисида долзарб ва ишончли маълумотлар мавжудлиги зарур.

62. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрини юритиш ва мониторинг олиб боришни такомиллаштириш мақсадида биологик хилма-хиллик компонентлари мониторингининг ягона тизимини ишлаб чикиш, тасдиқлаш ва жорий этиш, биологик хилма-хиллик мониторинги усуллари ва объектларини бирхиллаштириш, биологик хилма-хиллик мониторинги маълумотлар базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур.

3-§. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш

63. Республика муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими умумий ўлчами, таркиби, концептуал ёндашув, молиялаштириш принциплари нуқтаи назаридан чекланишларга эга.

Мухофаза қилинадиган табиий худудлар тизимини такомиллаштириш ва уни самарали бошқаришни таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифалар ҳисобланади.

64. Тизимни ривожлантириш, яхшилаш ва мухофаза қилинадиган табиий худудлар самарали бошқарилишини таъминлаш мақсадида илмий тадқиқотлар ва мониторинг олиб боришга, мухофаза қилинадиган табиий худудлар барпо этиш тартибини, уларни молиялаштириш манбаларини аниклашга, кадрлар билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилган норматив-хуқукий хужжатларни қабул қилиш зарур.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мухофаза қилинадиган табиий худудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартағи ПҚ-4247-сон қарорига мувофиқ 2019-2022 йиллар даврида Қорақалпогистон Республикасида бешта янги мухофаза қилинадиган табиий худудлар ташкил этилади. Булар:

Жанубий Устюрт давлат қўрикхонаси;

“Белтов”, “Оқтепа” ва “Оқдарё-Қозоқдарё” оралиги давлат буюртмахоналари;

“Судочье” давлат буюртмахонаси негизида “Судочье” кўллар тизими” давлат буюртмахонаси.

66. Янги мухофаза қилинадиган табиий худудларни ташкил этиш билан биргаликда истиқболда мавжуд давлат буюртмахоналарини уларга бошқариш, молиялаштириш ва мухофаза килишнинг тегишли тартиби билан биргаликда юридик шахс макомини бериш йўли билан уларни ривожлантириш ёки қайта ташкил этишга алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

4-§. Энг заиф табиий экологик тизимларнинг таназзули ва фрагментацияси суръатларини пасайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш

67. Республика иқтисодиётида мухим роль ўйнайдиган чорвачилик табиий экотизимларга катта таъсир кўрсатмоқда. Бунда шуни ҳисобга олиш зарурки, хусусий эгаликларда моллар бош сони ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан ялов экотизимлари айникса кўй-эчклилардан катта юкламага дучор бўлмоқда.

68. Ўсимлик дунёси давлат кадастрини юритиш, яловларнинг таназзули ва чўлланиш жараёнларининг олдини олиш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш учун табиий яловлар ва пичанзорларда ўсадиган ўсимликларни даврий биоботаник текширишдан ўтказиш зарур.

69. Мамлакатда ўрмонлар худудларининг қисқариши ҳайвонлар ва ўсимликлар яшаш жойлари йўқолишига олиб келади ва ўрмон экотизимлари таназзули жараёнларига кўмаклашади. Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси,

Чирчик дарёси, Оҳангарон дарёси бўйлаб жойлашган тўқайзорлар мамлакатда майдони кам тўқайзорлар ҳисобланади.

70. Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон-мелиоратив ишларни амалга ошириш ҳамда тоғ массивлари ва тўқайларнинг ўрмонлар билан қопланишини ошириш йўли билан Оролбўйини экологик соғломлаштириш яшаш жойи таназзуленинг давом этаётган жараёнининг олдини олиш учун экологик соғломлаштириш тадбирлари долзарб ҳисобланади.

71. Орол денгизининг қуриган тубида экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича катта кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Орол денгизининг қуриган тубида “яшил майдончалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 февралдаги 132-сон қарори билан 2019 йилда 500 минг гектар ерга кўчатлар экиш назарда тутилган. Ушбу ишлар Орол денгизининг қуриган тубини тўлик ўрмонзорлаштиришгача давом эттирилиши керак.

5-§. Ҳайвоилар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини тиклаш тадбирларини амалга ошириш

72. Янги муҳофаза қилинадиган табиий худудлар барпо этиш ҳамда мавжудларини ривожлантириш ҳайвонларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турлари сонини тиклашда муҳим ўрин тутади.

Тиклаш ва кўпайтириш бўйича питомниклар ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш ҳайвонларни, асосан уларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларининг сонини тиклашга муайян улуш қўшади.

73. Ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликлардан фойдаланишни қискартириш мақсадида республиканинг турли минтақаларида плантациялар ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш зарур.

6-§. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси обьектларидан ноконуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш

74. Ўсимликлар ва ҳайвонлар турларидан фойдаланишнинг тижорат усулларини шартли равишда:

озик-овқатбоп ва доривор ўсимликларни йиғиш ва сотишга;
ёввойи ҳайвонлар билан савдо қилишга ажратиш мумкин.

75. Ўсимликлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш эксперт баҳолашга кўра охирги 20 йилда анча кўпайган. Бу тижорат компаниялари томонидан амалга ошириладиган бозорларда сотишдан тортиб уларни қайта ишлаш ва маркетингнинг мураккаб механизмларигача кузатилади.

76. Ҳайвонлардан тижорат мақсадида фойдаланишнинг исталган тури катта иқтисодий фойда олиш учун улкан салоҳият ҳисобланади, бироқ ушбу фаолият барқарор бошқарилиши ва илмий асосланган маълумотлар асосида амалга оширилиши лозим.

77. Овчилик хўжалигини баркарор юритишда ов маҳсулотларини баркарор олиш ва ўлжа олиш имконияти юзага келади. Ўлжадан олииган даромадлар улардан биотехник ва муҳофаза тадбирларини амалга оширишда, ҳайвонларнинг овланадиган турларини тиклашда фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

78. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш қуидагилар йўли билан амалга оширилади:

муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида қоидалар, нормалар ва нормативларни белгилаш;

чеклашлар ва тақиқларни белгилани;

маҳсус фойдаланиш ҳуқукини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, бекор қилиш;

ўзбошимчалик билан фойдаланиш ва фойдаланишнинг белгиланган тартиби бошқача тарзда бузилишларининг олдини олиш;

яаш ва ўсиш мухити муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

давлат кадастрини юритиш ва мониторинг олиб бориш;

муҳофаза килинадиган табиий худудларни ташкил этиш ва ривожлантириш, ҳайвонлар ва ўсимликларни камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларини Қизил китобга киритиш;

питомниклар ва платнацияларда ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларини кўпайтириш;

ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси объектларининг давлат хисобини олиб бориш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш;

ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш;

муҳофаза қилиш ва окилона фойдаланиш бўйича биотехник тадбирларни ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 октябрдаги ПК-3956-сон карорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг инспекция хизмати қайта ташкил этилди. Ушбу карорга мувофиқ ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини саклаш устидан назоратни амалга оширувчи давлат инспекторлари сони кўпайтирилди ҳамда уларнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети хисобига молиялаштириш тартиби белгиланди.

80. Броконъерлик даражасини пасайтириш мақсадида экологик тадбирларни ташкил этиш йўли билан ахоли орасида экологик онг даражасини ҳамда тренинглар ва таълим берувчи семинарлар ташкил этиш йўли билан давлат инспекторлари малакасини ошириш зарур.

7-§. Экологик туризмни ривожлантириш

81. Экологик туризм Ўзбекистонда ривожланаётган ва истиқболли тармоқ ҳисобланади. Экологик туризм катта иқтисодий даромад келтиришга кодирдир.

82. Табиий бобларнинг рекреацион зоналаридан, айниқса тогларда ва тоғолди яқинидаги шаҳарларда фойдаланиш сўнгги 20 йилда шиддат билан ўсди. Аҳоли анъанавий равишда оммавий дам оладиган жойларда рекреацион юкламанинг ошиши айниқса маҳаллий табиий ўсимликлар дунёси ва ҳайвонлар тўдаларининг биологик хилма-хиллик тузилмасига жиддий таъсир кўрсатади.

83. Уюштирилган экологик туризм ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш зарур. Биринчи навбатда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур, тегишли кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади.

8-§. Биологик хилма-хилликка нисбатан аҳолининг экологик маданияти ва хабардорлиги даражасини ошириш

84. Бугунги кунда биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш учун одамлар амал қилиши керак бўлган чора-тадбирлардан улар хабардорлиги даражасининг етарлича эмаслиги тегишли чора-тадбирлар кўришни талаб этадиган муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ишлаб чиқилган дастурлар ва ҳаракатлар режалари асосида турли мақсадли гурӯҳларнинг хабардорлигини оширишга тизимли, комплекс ёндашув мавжуд эмас.

85. Қарор қабул киладиган мансабдор шахслар ва жамиятнинг биологик хилма-хиллик ва экотизимлар хизматларининг аҳамиятидан, мамлакатнинг фаровонлиги ва ривожланишига уларнинг улусидан хабардорлигини ошириш ҳам муҳим ҳисобланади.

86. Жамоатчиликни биологик хилма-хиллик соҳасидаги масалаларни ҳал этишга, шу жумладан, унинг мониторингини олиб бориш тадбирларига жалб этиш аҳолининг хабардорлиги ва экологик маданияти даражасини оширишга кўмаклашади.

7-боб. Стратегияни амалга ошириш механизми

87. Стратегия Ҳаракатлар режасида назарда тутилган тадбирлар тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши орқали амалга оширилади.

Стратегиянинг коидалари Ўзбекистон Республикасининг иқлим ўзгаришига, чўлланишга қарши курашга, сув ресурслари ва трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишга тегишли халқаро шартномалари доирасида ишлаб чиқилган бошқа ҳужжатларга интеграция қилинади.

88. Стратегия миллий ва маҳаллий даражаларда атроф мухит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар режаларини, фундаментал ва амалий тадқиқотларни, атроф табиий мухит мониторингига, биологик хилма-хилликка тўғридан-тўғри юкламаларни кискартиришга, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантиришга, экотизимлар хизматларини ҳисобга олган ҳолда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ва иқлим ўзгаришига мослашишга, ўрмон ҳўжалигини ривожлантиришга, яйловларни барқарор бошқаришга, сув ресурсларини муҳофаза қилишга тегишли тармок ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳукукий асослардан бири бўлиб хизмат қиласди.

89. Стратегия амалга оширилиши учун масъул бўлган ижрочилар:

тадбирларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан тадбирлар белгиланган муддатларга мувофик амалга оширилишини;

мақсадли молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни;

охирги йилда амалга оширилган тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлар ҳар иили Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ишларни мувофиқлаштиради ва улар бажарилиши устидан назорат қиласди.

8-боб. Стратегияни ресурслар билан таъминлаш ва уни амалга ошириш босқичлари

1-§. Стратегия амалга оширилишини ресурслар билан таъминлаш

90. Масъул ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, мавжуд ва ташаббус кўрсатадиган миллий ва халқаро лойиҳаларнинг грант маблағлари ҳамда халқаро молия институтларининг маблағлари Стратегия амалга оширилишини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

91. Режалаштириладиган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштиришнинг зарур ҳажми тегишли тадбирларни амалга ошириш учун назарда тутилган аниқ чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб алоҳида хисоблаб чиқиласди.

92. Ҳаракатлар режасини амалга ошириш учун молиявий ресурсларни сафарбар қилиш учта асосий ёндашувни назарда тутади. Булар:

биологик хилма-хиллик сақланишини таъминлаш ва экотизимлар хизматларини кўллаб-қувватлаш учун ички инвестицияларни кўпайтириш;

биологик хилма-хилликни саклаш бўйича Ҳаракатлар режасини амалга ошириш учун халқаро молиявий ва техник кўмак олиш;

биологик хилма-хиллик ва экотизимлар хизматларини қўллаб-куватлаш билан боғлик фаолиятни молиялаштиришнинг инновацион механизмларини аниқлаш ва ишлаб чикиш.

2-§. Стратегияни амалга ошириш босқичлари

93. Стратегияни амалга ошириш қўйидаги даврларга мўлжалланади:

биринчи босқич (2019-2023 йиллар) – қонунчилик базасини такомиллаштириш ва Коракалпогистон Республикаси худудида бешта муҳофаза қилинадиган табиий худуд барпо этиш;

иккинчи босқич (2024-2028 йиллар) – мақсадли қўрсаткичларга ва кутилаётган натижаларга эришиш.

9-боб. Мақсадли қўрсаткичлар ва кутилаётгани натижалар

94. Стратегияни амалга ошириш дастурлари бўйича:

муҳофаза қилинадиган табиий худудларни 12 фоизгача кенгайтиришга;

Орол денгизининг қуриган тубини 1,2 млн гектаргacha ўрмонзорлаштиришга;

Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигида жайронларни 1000 тагача қўпайтиришга;

ҳар йили 1000 тагача тувалокларни қўпайтириш ва табиатга кўйиб юборишга;

марказий бўгинча – давлат қўрикхоналарининг этalon экотизимларига эга бўлган биологик хилма-хиллик компонентлари мониторингининг ягона тизимини яратишига;

замонавий биоахборот технологиялар (ГИС-технологиялар) асосида биологик хилма-хилликнинг давлат мониторинги ва давлат кадастрининг ягона ахборот маълумотлар базасини яратишига;

уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) иш юритадиган www.biodiversity.uz сайтини яратишига;

2 млн га ҳажмда табиий яйловлар ва пичанзорлар ўсимликларини биоботаник текширишни ҳар йили амалга оширишига;

Ўзбекистон сув ҳавзаларида қушларнинг овланадиган турлари сони ҳар йили ҳисобга олинишига;

Куйимозор ва Тўдакўл сув омборларини халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-ботқок жойлар рўйхатига (Рамсар Конвенцияси) киритиш бўйича материалларни тайёрлашга ва белгиланган тартибда берилишини ташкил этишига;

овчилик мониторинги ва балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларининг биологик ресурслари ҳолати тизимини яратишга;

биологик хилма-хилликка босим насайишига;

зарур молиявий қўллаб-куватлашга;

иктисодиётнинг барча секторларида биологик хилма-хилликни саклаш масалалари интеграция қилинишига;

илемий билимларга ва олдини олувчи ёндашувга асосланган тегишли комплекс қарорлар қабул килинишига ва самарали амалга оширилишига эришилади.

95. Стратегияни амалга ошириш учун 2019-2028 йиллар даврида биологик хилма-хилликни саклаш ва ундан фойдаланиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган. Ҳаракатлар стратегияси ривожлантириш стратегиялари ва ҳаракатлар режаларини, секторлар бўйича ластурлар ва бошқа режаларни таҳлил қилишга асосланган ва манфаатдор вазирликлар ва идораларни, илемий жамоатчиликни ва экологик подавлат нотижорат ташкилотларни жалб этган ҳолда маслаҳатлашув жараёни якунлари бўйича ишлаб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 июнданги
484-сон карорига
2-илова

**2019-2028 йиллар даврида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини амалга оширишга доир
ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул изжочилар	Кутилаётган натижалар
I. Биологик хилма-хиллик мавзуларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва жамият фаолиятига киритиш						
1.1 Атроф табиий мухит давлат мониторинги тизимиға биологик хилма-хиллик мониторингини киритиш орқали уни такомиллаштириш						
1.	Ўсимлик ва хайвонот дунёси мониторингини ташкил қилиш ва амалга ошириш мониторингини олиб бориш тартибини белгилаб берувчи биологик хилма-хиллик компонентларининг ягона мониторингини олиб бориш тизимини яратиш.	Ўсимлик ва хайвонот дунёси мониторингини олиб бориш тартибини белгилайдиган карор лойихасини ишлаб чикиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил август	Давлат бошқаруви Республика органларининг бюджет (хар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар	Давлат экология кўмитаси, Кишлек хўжалик вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзгидромет, Ергеодезкадастр давлат кўмитаси, Согликни сақлаш вазирлиги	Ўсимлик ва хайвонот дунёси давлат хисобини юритиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунларининг 16-моддасига мувофиқ ўсимлик ва хайвонот дунёси обьектлари ва уларнинг яшаш мұҳити холатини кузатиш, улар тўғрисидаги маълумотларни тўлаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.
2.	Замонавий геоахборот технологиялари (ГИС-технологиялар) асосида муҳофаза қилинадиган табиий худудлар, ўсимлик ва хайвонот дунёси обьектлари давлат кадастрен ва мониторинги	1. Ўзбекистоннинг юқори тогли экотизимларининг биохилмакилиги экологик ахборотини бошқарниш ва мониторингини олиб бориш тизимини	2020 йил ноябрь	Давлат бошқаруви Республика органларининг бюджет (хар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида) ва	Давлат экология кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Фанлар академияси, Ергеодезкадастр	Ўзбекистоннинг юқори тогли экотизимлари биологик хилма-хилликининг холати ҳақидаги маълумотларни тўлаш, кайта ишлаш ва саклану тизимини ишлаб чикиш ва амалиёта жорий этиш.

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
	бўйича маълумотлар ахборот базасини яратиш.	яратиш. 2. Электрон маълумотлар базасини ишлаб чикиш, тўлдириш ва интеграциялаш.	2020-2023 йиллар	бюджетдан ташқари маблаглари, грантлар	давлат кўмитаси, Соғликни сақлаш вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Геоахборот технологиялар асосида маълумотлар базасини жорий этиши ва республиканинг биологик хилма-хиллиги холати тўғрисидаги маълумотлар билан мутахассислар ва қарор кабул қилувчи шахсларни ўз вақтида ва кўргазмали тарзда тъминлаш.
3.	Ягона давлат кадастрлари тизимининг талабларига мувофик муҳофаза этиладиган табиий худудлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг кадастрини юритиш ишларини тақомиллаштириш.	Тегишли кадастр объектларининг давлат хисобини юритиш ишларини ташкил этиши ва ўтказиш. Кадастр маълумотларини тўплаш тизимини тақомиллаштириш.	Хар йили	Давлат бошқаруви республика органларининг бюджет (хар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблаглари	Давлат экология кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Фанлар академияси, Ергеодезкадастр давлат кўмитаси, Соғликни сақлаш вазирлиги	Тегишли давлат кадастрлари бўйича ишларни бажариш ва манфаатдор идораларни биологик хилма-хилликнинг сифат ва микдор кўрсаткичлари билан тъминлаш.
4.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси қошида www. biodiversity.uz биологик хилма-хиллик сайтини уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) ташкил этиш.	Домен ва провайдерни аниклаш. Маълумотларни тўплаш ва сайтга жойлаштириш	2020 йил июнь	Давлат экология кўмитасининг бюджетдан ташқари жамгармаси маблаглари	Давлат экология кўмитаси	Биологик хилма-хиллик билан боғлиқ барча норматив хужжатларни ҳамда қуйидаги маълумотларни сайтда жойлаштириш: МҚТХ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бўйича; йиллик мониторинг натижалари ва кадастр маълумотлари тўғрисида; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини овлаш бўйича квоталарни тасдиқлаш тўғрисида; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини овлаш, олиб кириш ва олиб чикиш учун бериладиган

Т/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
						рухсатномалар тўғрисида; фукароларнинг мурожаатлари бўйича, фукаролар ва тадбиркорлар учун кулагай бўлган шароитларни яратадиган бошка мұсылумотлар.
5.	Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликлар турларининг захираларни табийи хатловдан ўтказиш.	Ҳар йили мавжуд ўсимлик турларини ўрганиб чикиш ва Давлат экология кўмитасига хисобот тақдим этиш.	2019-2028 йиллар	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Давлат экология кўмитасининг бюджетдан ташкари маблағлари	Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Давлат экология кўмитаси, Ергеодезкадастр давлат кўмитаси	Хатлов натижаларига кўра табиатга зарар етказилмайдиган ҳолда ёввойи ҳолда ўсадиган доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликлар турлари бўйича квоталарни тасдиқлаш ва тайёрлаш хажмларини аниқлаш.
6.	Йилига 2 млн га майдонда табийи яйловлар ва пичанзорлардаги ўсимликларни геоботаник ўрганиб чикиш.	Геоботаник ўрганиб чикиш ва ҳар йили Давлат экология кўмитасига хисобот тақдим этиш	Ҳар йилн 31 январга кадар	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари	Ергеодезкадастр давлат кўмитаси, Давлат экология кўмитаси	Ўсимлик дунёси давлат кадастри таъминлаш, яйловларнинг таназзулга учраши ва чўлланишга қарши чора-тадбирларни ишлаб чикиш.
7.	Ўзбекистон сув ҳавзаларида ов қилинадиган кушларнинг хисобини юритиш.	Кушларнинг қишиги хисобини юритиш. Ҳар йили Давлат экология кўмитасига хисобот тақдим этиш.	Доимий асосда	Давлат экология кўмитасининг бюджетдан ташкари маблағлари (150,0 млн сўм)	Фанлар академияси, Давлат экология кўмитаси	Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф мухит ҳавфсизлигини таъминлашга каратилган тавсиялар тайёрлаш, шунингдек, сувда сузадиган кушларни овлаш квотасини ва ов қилиш муддатларини белгилаш.

T/ P	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
8.	Кўйимазор ва Тўдакўл сув омборларини (Навоий вилояти) халқаро аҳамиятга (Рамсар конвенцияси) эга бўлган сувли-ботқок жойлар рўйхатига киритишни таъминлаш.	Белгиланган шакл бўйича номма-ном хужжатларни тайёрлаш.	2020 йил декабрь	Маблаг талааб этилмайди	Фанлар академияси, Давлат экология кўмитаси	Атроф мухит муҳофазаси бўйича халқаро конвенциялар бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадида Кўйимазор ва Тўдакўл сув омборларини халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-ботқок жойлар рўйхатига киритиш.

1.2. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамиятнинг биологик хилма-хилликнинг аҳамияти ва экотизимлар хизматларидан хабардорлигини ва билимини ошириш

9.	Биологик хилма-хилликни саклаш чора-тадбирларини ва экотизимлар кўрсатадиган хизматларни иктисолиёт секторларига интеграциялаш.	Биохилма-хилликни саклаш ва экотизимлар кўрсатадиган хизматлар бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни идоравий дастурлар ва режаларга киритиш.	Доимий асосда	Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бюджет (хар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблаглари	Давлат экология кўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўрмон хўжалиги далат кўмитаси, Ергеодезкастр давлат кўмитаси, “Иссиклик электростанциялари” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” МХК, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси	Биохилма-хилликни саклашга ва экотизимлар кўрсатадиган хизматларга йўналтирилган чора-тадбирлар самараадорлигини ошириш.
10.	Биологик хилма-хилликнинг аҳамияти тўғрисида жамиятнинг хабардорлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаситаларининг (ОАВ) ролини ошириш.	Тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Биологик хилма-хиллик мавзулари оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишини ташкил этиш.	Доимий асосда	Республика давлат бошқаруви органларининг бюджет (хар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблаглари	Давлат экология кўмитаси	Биологик хилма-хиллик ва экотизим кўрсатадиган хизматларнинг аҳамиятини ташвиқ қилиш соҳасида ОАВ иштирокини кенгайтириш, шунингдек, экология соҳасида журналистларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашиш.

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
11.	Биологик ресурсларни саклашнинг ахамиятини ошириш хамда уларнинг экотизимлари хизматларидан баркарор фойдаланишини ошириш максадида аҳоли (табиатдан фойдаланувчилар) учун ахборот компаниясини ўтказишни ташкил этиш.	Семинар ва тренинглар ўтказиш.	Доимий асосда	Республика давлат бошқаруви органларининг маблаглари, грантлар	Давлат экология қўмитаси, Халқ таълим вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Биологик хилма-хилликни саклаш ва ундан ҳамда экотизимлар хизматларидан баркарор фойдаланиш жараёнларига иктисодий механизмларни жорий этиш. Биологик хилма-хилликнинг иктисодий қийматини баҳолаш соҳасида тажриба тўплаш, шунингдек, методикани такомиллаштириш учун тақлифлар ишлаб чиқиш.

1.3. Биологик хилма-хиллик ва экотизимлар хизматлари қийматини иктисодий баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш ва режалаштириш жараёнига жорий қилиш

12.	Биологик хилма-хилликни ва экотизимлар хизматлари қийматини иктисодий баҳолаш механизмини яратиш.	Тажриба ўтказида-диган худудлар мисолида биологик хилма-хилликни ва экотизимлар хизматлари қийматини иктисодий баҳолаш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш.	2023 йил май	Республика давлат бошқаруви органларининг бюджет (ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблағлари, БМТнинг Тараккиёт дастури/Глобал экологик жамғарманинг “Биохилма-хилликнинг глобал аҳамиятли турлари учун асосий тозли минтақаларда табиий ва ўрмон ресурсларини баркарор бошқариш” дастурлари линияси бўйича грантлар	Давлат экология қўмитаси, Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўрмон хўжалиги далат қўмитаси, Фанлар академияси	Биологик хилма-хилликни саклаш ва баркарор фойдаланишга ва экотизимлар таҳдим киладиган хизматлар жараёнига иктисодий механизмларни жорий қилиш. Биологик хилма-хилликни ва иктисодий баҳолаш соҳасида тажриба ортириш хамда ушбу масалада методик тавсияларни такомиллаштириш учун тақлифлар ишлаб чиқиш.
-----	---	--	--------------	---	--	---

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш маңбалари	Масъул ижрочилар	Кутугаётган натижалар
13.	Биологик ресурсларни муҳофаза килиш, улардан баркарор фойдаланиш ва уарни қайта тиклашни рагбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш.	Тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Махкамасига киритиш.	2020 йиллар октябрь	Маблаг талаб килинмайди	Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси.	Табиатни мухоббаза қилишга ва табиатни тиклаш самарадорлигига олиб келувчи фаолият амалга оширилганлиги учун солик, кредит имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан экотизимларни саклаш ва улардан баркарор фойдаланиш мақсадида табиатдан фойдаланувчиларни рагбатлантириш.
II. Биологик хилма-хилликка тўғридан-тўғри юкламаларни қискартириш, унинг компонентларидан озиқ-овқат ландшафтларида баркарор фойдаланиш						
14.	Орол дengизининг қуриган тубида ўрмон-мелиоратив ишларни амалга ошириш йўли билан Оролбўйини экологик соғломлаштириш.	Янги ўрмонзорлар барпо этиш.	2019-2028 йиллар	Бюджет маблаглари (ҳар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблаглар, грантлар	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Мухоббаза ўрмон полосаларни майдонини кенгайтириш, тузчанг кўчишини қискартириш ва биологик хилма-хилликни тиклаш.
15	Тогли жойларда ва тўқазорлarda чўл худудларнинг ўрмон билан қопланишини, сув тўпланадиган ҳавзаларни кўпайтириш.	Ўрмон тиклаш ишларини олиб бориш.	2019-2028 йиллар	Бюджет (ҳар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблаглар, грантлар	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Чўл худудларини тиклаш ва ўрмонзорлаштириш. Тогли жойларда сув тўпланадиган ҳавзаларни тиклаш ва ўрмонзорлар барпо этиш. Тўқайзорларни тиклаш ва барпо этиш. Водий зонасида ўрмонзорларни тиклаш ва барпо этиш.

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
16.	Биологик хилма-хилликни саклаш билан боглиқ масалаларни комплекс ҳал этиш ва биологик ресурсларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, ландшафт даражасида режалаштириш усулларини синовдан ўтказиш, тегишли қарорлар қабул қилиш, биохилма-хилликнинг асосий зоналарини мустаҳкамлаш, Гарбий Тёншон ва Помир-Олой тог тизмаларида ўсимлик дунёси ва ҳайвонларнинг барқарор иктисодий ривожланиши учун рағбатлар яратиш, монтакавий ва ҳалқаро ҳамкорлик ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.	“Биологик хилма-хилликнинг глобал аҳамиятли турлари учун муҳим бўлган асосий тогли монтакаларда табиий ва ўрмон ресурсларини барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш.	2019-2021 йиллар	Бюджет (ҳар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва БМТ ТД ва ГЭЖ томонидан ажратиладиган йиллик бюджет маблаглари доирасида	Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Мухофаза қилинадиган табиий худудларни ривожлантириш, маҳаллий аҳолини ижтимоий-иктисодий қўллаб-куватлаш ҳамда илвирс (тоғ қоплони) яшайдиган ареалда (Гарбий Тёншон ва Ҳисор) уни саклаб колиш учун биологик хилма-хилликни бошқаришнинг илгор механизмлари ва ёндашувларини жорий этиш.
17	Табиий экотизимлар - илвирс (тоғ қоплони) яшайдиган жойларни саклаш чора-тадбирларини ишлаб чикиш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илвирс (тоғ қоплони)ни саклаш дастури ва ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги карори лойиҳаси.	2021 йил август	Донорлар: БМТ ТД/ГЭЖнинг “Биологик хилма-хилликнинг глобал аҳамиятли турлари учун муҳим бўлган асосий тогли монтакаларда табиий ва ўрмон ресурсларини барқарор бошқариш” дастурлари линияси бўйича грант маблаглари	Давлат Экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги далат қўмитаси, Фанлар академияси.	“Илвирс (тоғ қоплони)ни саклаш дастури ва ҳаракатлар режаси илвирс (тоғ қоплони) кўпайишини ва асосий тог ландшафтлари биохилма-хиллигини саклаб қолиш имконини беради.

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
18.	Балиқ ови ва сув ҳавзаларининг балиқчилик хўжаликлари биологик ресурслари ҳолати мониторинги тизимини ташкил этиш.	Методик тавсияларни ва уларни амалга ошириш дастурларини ишлаб чикиш.	2020 йил октябрь	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблаглари, Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси, “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” ДУК маблаглари	“Узбалиқсаноат” ўюшмаси, Фанлар академияси, “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” ДУК, Давлат экология кўмитаси	Биологик хилма-хиллик мониторинги маълумотлари асосида сув ҳавзалари балиқчилик хўжаликларининг самарали бошқарилишини таъминлаш.

III. Мухофаза қилинадиган табиий худудлар тизимини ривожлантириш, экотизимлар хизматлари билан таъминланадиган афзалликлар ҳажмини қўпайтириш

3.1. Миллий экологик тармоқни (турли тоифа ва турлардаги мухофаза қилинадиган табиий худудлар) ташкил этиш, уларни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида мамлакатнинг мухофаза қилинадиган табиий худудлари умумий майдонини кенгайтириш

19.	Мухофаза қилинадиган табиий худудлар тизимини ривожлантириш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2028 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида мухофаза қилинадиган табиий худудлар тизимини ташкил этиш ва кенгайтириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.	2020 йил	Маблаг талаб этилмайди.	Давлат экология кўмитаси	Мухофаза қилинадиган табиий худудларнинг репрезентатив тизимини ривожлантириш ва миллий экологик тармоқни ташкил этиш, табиий мувозанатни таъминлаш, ландшафт, фауна, флора ва экотизим хилма-хиллигини сақлаб қолиши. Мухофаза қилинадиган табиий худудларни ривожлантириш ва уларни бошқариш соҳасида фаолиятнинг асосий иктисаболи йўналишларини белгилаш.
-----	--	---	----------	-------------------------	--------------------------	---

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
3.2. Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритишда фойдаланиладиган биологик хилма-хиллик компонентларини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш						
20.	Маданий ўсимликлар кўпайишини тиклаш максадида уларнинг ёввойи аждодлари генофондини сақлашни таъминлаш.	Биологик хилма-хиллик компонентларини уларнинг табиий шароитларидан ташкарида сақлаш. Қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларнинг ёввойи аждодлари маҳаллий навлари ва шакларининг жонли коллекцияларини яратиш. Маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари ҳар хил популяциялари ургулари банкини ташкил этиш.	2019-2022 йилларда ва сўнгра донмий асосда	Республика давлат бошқаруви органларининг бюджет (ҳар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблаглари, грантлар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат экология кўмитаси,	Маданий ўсимликларнинг ёввойи генофондини сақлаб қолиш. Маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари популяцияларини тиклаш.
IV. Биргаликда режалаштириш ва салоҳиятни ташкил этиш йўли билан биологик хилма-хилликни сақлаш самарадорлигини ошириш ва ундан барқарор фойдаланиш						
21.	Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича Ҳаракатлар бажарилишининг тизимли мониторинги олиб борилишини жорий қилиш.	Масъул ижрочилардан ахборот тўплаш, ахборотни таҳлил қилиш	хар йили 15 декабргача	Маблаг талаб килинмайди	Давлат экология кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Прогнозлаштириш ва макроқитисодий тадқиқотлар институти	Ҳаракатлар режаси бажарилиши тўғрисида ўз вақтида ва сифатли ахборот билан таъминлаш. Мониторинг натижаларини хисоботларга ва Миллий маърузаларга киритиш.

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
22.	Манфаатдор томонларни стратегиянинг максадлари ва вазифалари ҳамда унинг бажарилиши, шу жумладан, минтақавий ва халқаро тадбирларда, шу жумладан, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция Томонлари Конференциясида иштирок этиш тўғрисида хабардор килиш.	Ҳаракатлар режаси бајарилишининг бориши ва натижалари тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш ва тақдим этиш. 2019-2028 йилларда биологик хилма-хилликни саклаб колиш стратегиясининг шарҳловчи материалларини эълон килиш.	Стратегия кабул килингандан кейин	Республика давлат бошқаруви органларининг бюджет (хар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташкари маблаглари	Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ўзгидромет, Давлат геология кўмитаси Ергеодезкадастр давлат кўмитаси ва бошқа дахлдор вазирликлар ва идоралар	Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича Ҳаракатлар режаси бажарилиши тўғрисида манфаатдор томонларни ўз вақтида хабардор килиш. Минтақавий ва халқаро даражаларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш, халқаро молиявий институтлар томонидан Ўзбекистонга кўмаклашишни фаоллаштириш.
23.	БМТнинг биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияси талабларига мувофиқ замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган холда Биологик хилма-хиллик бўйича воситачиликнинг миллӣ механизмини ривожлантириш ва барқарор ишланини тъминлаш.	Биологик хилма-хиллик бўйича воситачилик миллӣ механизмининг www.cbd.uz сайтини ишлаб чиқиш ва контентини тўлдириш.	доимий асосда	Бюджет (хар йили ажратиладиган бюджет маблаглари доирасида) ва бюджетдан ташқари маблағлар	Давлат экология кўмитаси	Миллий ва халқаро даражаларда манфаатдор томонлар ўртасида биологик хилма-хиллик ва экотизимлар хизматлари соҳасида ахборот айрбошлиш мақсадида ахборот технологияларини жорий этиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 июнданги
484-сон қарорига
З-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисоблангаётган
айрим қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича Миллий стратегияси ва Ҳаракатлар режаси тўғрисида” 1998 йил 1 апрелдаги 139-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳукумат комиссияларини ташкил этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошкаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон қарори)” 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.